3

# ШАРТНОМА №16

**Бухоро ш.** **«10» январь 2022 йил**

**«Davr Oil Trade» МЧЖ** номидан корхона Устави асосида фаолият юритувчи директори **Г.Абидов** бир томондан, бундан кейинги матнларда "Етказиб берувчи" деб юритилади ва **«Kitob Tuman Yo'llardan Foydalanish» унитар корхонаси** Устави асосида фаолият юритувчи директори **Султонов С.М.** иккинчи томондан, бундан кейинги матнларда "Харидор" деб юритилади, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

## 1 ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

**1.1.** Ушбу шартномага асосланиб "Етказиб берувчи" "Харидор" га ушбу шартноманинг 2.1 бандида кўрсатилган нефт махсулотини (бундан кейинги матнларда "Махсулот"деб юритилади) етказиб бериш мажбуриятини, "Харидор" эса етказиб берилган махсулотни қабул қилиш ва қонунчиликда кўрсатилган тартибда ўз вактида тўлаб бериш мажбуриятини зиммасига олади.

## 2. МАХСУЛОТ ТУРЛАРИ

**2.1.** "Етказиб берувчи" қуйидаги нефт махсулотини етказиб беради:

| т/р | Махсулотнинг номи, тури | Микдори (литр) | Махсулотнинг нархи (ҚҚС билан бирга, сўмда) | Умумий нархи (сўм хисобида) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Дизел ёқилғиси | 2 703 | 9 600 | 25 948 800 |

## 3. МАХСУЛОТ НАРХИ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР ТАРТИБИ

**3.1.** Шартноманинг умумий суммаси 25 948 800 сўмни ташкил қилади.

**3.2.** Тўлов валютаси – Ўзбекистон Республикаси миллий пул бирлиги - сўм.

**3.3.** Тўлов шарти: 100% олдиндан тўлов.

**3.4.** Тўлов тартиби – Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартибида ёки қонунчиликда кўзда тутилган бошқа тўлов турлари орқали амалга оширилиши мумкин.

**3.5.** Махсулотнинг нархи ўзгарганда Етказиб берувчи "Сотувчи" бу ҳақида Харидорга ёзма кўринишда хабарнома жўнатади. Ортиб юборилган махсулотлар учун нарх ўзгаришсиз қолдирилади. Нарх ўзгарганлиги тўғрисида Харидорга оғзаки ёки ёзма равишда маълум қилинади ва шу кундан янги нарх кучга киради. Харидор томонидан амалга оширилган олдиндан тўлов суммаси янги нарх белгиланишига тўсқинлик қилмайди ва хабарнома берилгандан сўнг олдиндан тўлов суммаси янги нарх бўйича ортилган махсулот хисоб-китоб қилинади.

## 4. МАХСУЛОТ СИФАТИ ВА МИҚДОРИ

**4.1.** Харидорнинг талабига асосан, етказиб бериладиган махсулотларнинг сифати бўйича ишлаб чиқарувчининг сифат паспорти тақдим этилади.

**4.2.** "Харидор" томонидан нефт махсулотларини қабул қилиш жараёнида камомадлар аниқланса, "Харидор" қўллайдиган усулнинг меъёр қусурлари қўлланилади, агар кўпомад аниқланса меъёр қусурлари қўлланилмайди, аниқланган нефт махсулоти камомади ёки кўпомади бўйича эътирозлар камомад ёки кўпомад аниқланган кундан бошлаб 30 кун муддат ичида берилиши шарт.

## 5.МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ

**5.1.** Сотувчи" Маҳсулотни шартноманинг 2.1 бандига асосан: Харидорнинг буюртмасига асосан кўрсатилган манзилига етказиб беради.

## 6.ТОМОНЛАР МАЪСУЛИЯТИ

**6.1** "Етказиб берувчи", агар ушбу шартноманинг 3.4. бандига асосан маҳсулот учун тўловлар тўланган бўлиб, махсулотни етказиб бермаса, "Харидор"га хар бир кечиктирилган кун учун етказиб берилмаган маҳсулот баҳосининг 0.5% миқдорида пеня тўлайди. Аммо пеня умумий миқдори етказилмаган нефт махсулоти нархларининг 5% дан ошмаслиги лозим.

**6.2** Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида махсулотлар хақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасига

тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик ва бошқа шу каби ҳолатлар) учун "Харидор" "Етказиб берувчи"га ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15% миқдорида жарима тўлайди.

**6.3** Етказиб берилган маҳсулотлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун "Харидор" "Етказиб берувчи"га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5% миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 10% ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

**6.4** "Харидор" етказиб берилган махсулот учун тўловни вақтида амалга оширмаса,"Етказиб берувчи" ҳақли равишда жўнатилган маҳсулот учун тўлов тўлиқ тўлагунга қадар, маҳсулот етказиб беришни тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга ва "Харидор" "Етказиб берувчи"га қонунчиликда кўзда тутилган неустойкаларни тўлаб беради.

**6.5** Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки ўз вақтида бажармаганликлари оқибатида иккинчи томонга етказилган зарарни сўзсиз қоплаб беришлари шарт.

## 7. НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

**7.1.** Ушбу шартномани тузиш ва унинг амал қилиш муддати давомида юзага келадиган шартноманинг бажарилиши ва бекор қилиниши билан боғлиқ барча келишмовчилик ва низолар музокара йўли билан ҳал қилиш мумкин бўлмаган тақдирда қонунда белгиланган тартибда «Бухоро Туманлараро Иқтисодий суди»да ҳал этилади. Низони судга тақдим этишдан аввал талабнома тартиби қўлланиши шарт.

## 8. ФОРС – МАЖОР

**8.1.** Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликларига енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (ёнғин, сув тошқини, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар, блокада, ер қимирлаши ёки бошқа ҳолатлар) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олсалар, мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгар бўлмайдилар.

## 9. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

**9.1.** Ушбу шартнома томонларнинг шартнома бўйича барча шартларини бажарган ва ўрталаридаги барча тўловларни тартибга келтирилгандагина бекор қилиниши мумкин.

**9.2.** Ушбу шартнома 2022 йил 10 январьдан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

**9.3.** Ушбу шартнома бажарилаётган вақтда томонлар ўртасида юзага келган, ушбу шартномада кўзда тутилмаган мунозарали ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ва амалдаги бошқа қонунчилик билан тартибга солинади.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

| "Етказиб берувчи" | Харидор" |
|---|---|
| **«Davr Oil Trade» МЧЖ** | **«Kitob Tuman Yo'llardan Foydalanish» унитар корхонаси** |
| Юридик манзил: Ўзбекистон Республикаси, Бухоро вилояти | Юридик манзил: Кашкадарё вилояти Китоб тум., Китоб шахри. |
| Банк: Инфинбанкнинг Бухоро филиали, МФО: 01107, х/р 20208000905046744001 | х/р 20210000504765071001 в ШАХРИСАБЗ Т., ТИФ МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ ШАХРИСАБЗ БУЛИМИ МФО: 01…, ИНН 206994614 |
| ИНН: 306222684 | |
| Директор: Г.Абидов ________ | Директор: Султанов С.М. ________ |